Ушбу сонда:
2 БУГУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ
3 Бир Фармон шарофати «ТЕЗ ЁРДАМ» ЙЎЛГА ЧИҚДИ
4 ОРОЛБЎЙИГА ҚУШЛАР УЧИБ КЕЛДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 30 апрел, жума № 71 (1704)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ВАТАНИМИЗНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ЎЗ КУЧ-ҚУДРАТИМИЗГА, ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАМЖИҲАТЛИГИ ВА БУКИЛМАС ИРОДАСИГА БОҒЛИҚ

### Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги нутқи







Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Қадрли дўстлар!

Барчангиз яхши хабардорсиз - шу йилнинг 29-30 март ва 1 апрел кунлари мамлакатимизда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатлари оқибатида 9 нафар ички ишлар ходими ва 5 нафар фуқаро ҳалок бўлди.

Ана шу бегуноҳ қурбон бўлган инсонларнинг оила аъзолари ва яқинларига ўзимнинг номимдан, сиз, муҳтарам депутатларимиз ҳамда бугунги сессия мажлисида қатнашаётган барча иштирокчилар номидан яна бир бор ҳамдардлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Мудҳиш ва қабиҳ ният билан уюштирилган бундай террорчилик хуружлари натижасида қурбонлар сони бундан ҳам кўп бўлиши мумкин эди. Аввало, Оллоҳнинг ўзи юртимизни асради, қолаверса, тинч, осуда ҳаётимизни ҳимоялаш, сақлаш учун азиз жонини берган ҳуқуқтартибот ходимларининг жасорати туфайли бунга йўл қўйилмади.

Ўзингиз фараз қилинг, Ромитан туманида террорчилар кўплаб портлатиш воситаларини тайёрлаб, одамлар гавжум жойларда кўпорувчилик уюштирмоқчи бўлган. Агар уларнинг машъум нияти амалга ошганида, яна қанча-қанча бегуноҳ инсонлар ҳалок бўлиши мумкин эди.

Ёки Тошкент шаҳрининг бир чеккасида тайёргарлик кўрган террорчиларнинг бошқа бир гуруҳи белига портлатиш воситаларини боғлаб, пойтахтимизнинг бозор ва майдонларида, жамоат жойларида портлашлар содир этганида, нима бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бундай даҳшатли вазиятни кўз ўнгидан ўтказганида, унинг оқибатлари ҳар қандай ақли расо одамни ларзага солиши шубҳасиз. Шундай ваҳшийликларнинг олдини олиш учун жон фидо этган мард йигитларни хотирлар эканмиз, хаёлимизга беихтиёр, бу бегуноҳ инсонларнинг айби нима эди, ахир, уларнинг ҳам бола-чақаси, ёру дўстлари, бу ҳаётдан умидлари бор эди, улар ҳам бахтли бўлишга ҳақли эдику, деган армонли сўзлар келади.

Ана шундай юртдошларимиздан бири - Қибрай тумани ички ишлар бўлимида хизмат қилган катта лейтенант Азизжон Турсунов оилада ёлғиз ўғил эди. Эндигина 27 баҳорни қаршилаган, ҳали уйланишга ҳам улгурмаган бу навқирон йигит террорчиларга қарши курашда мардона ҳалок бўлди.

Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлимининг ходими, старшина Қодир Раҳмонов ҳам одамлар ҳаётини сақлаш учун жонини фидо қилди. Юраги беғубор, шоиртабиат бу инсоннинг уч фарзанди етим қолди, дилидаги не-не орзулари ушалмас армонга айланди.

Биз барчамиз эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш йўлида ўз ҳаётини бағишлаган милиция ходимларининг хотираси ва руҳи олдида умрбод қарздормиз. Бу фидойи инсонларнинг Ватан олдидаги хизматлари ҳеч қачон унутилмайди. Уларнинг жасорати юксак давлат мукофотлари билан тақдирланади, оиласи, фарзандлари доимо халқимиз, давлатимиз эътиборида бўлади. Мана шундай ўғлонларимизнинг жасорати туфайли ўнлаб, балки юзлаб юртдсшларимизнинг ҳаёти сақлаб қолинди, ёвуз террорчилар ўз уясида янчиб ташланди.

Мен ҳаммамиз учун оғир бўлган бу йўқотишлар, бу воқеалар ҳақида, дунёдан бевақт кўз юмган одамлар ҳақида кўп ўйлайман. 1999 йилда Тошкент кўчаларида террор қурбони бўлган бегуноҳ юртдошларимизни, 2000 йилнинг ёзида Сариосиё ва Бурчмулла тоғларида жангариларга қарши курашда ҳалок бўлган жасур аскарларимизни ҳам доимо эслайман.

Мен бугун, шу юксак минбарда туриб, мана шундай мард ва ботир, эл-юртига садоқатли фарзандларни тарбиялаб вояга етказган ота-оналарга бош эгиб таъзим қиламан.

Қадрли ватандошлар!

Юртимиз тинчлигига, болаларимиз ва аёлларимиз, кексаларимизнинг осойишта ҳаётига кимки тажовуз қилган бўлса, муқаррар равишда ўз жазосини олиб келган ва бу сафар ҳам шундай бўлади. Жиноятчилар амалдаги қонунларимиз, халқаро ҳуқуқий нормалар асосида суд олдида жавоб беради.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, кўпдан бери чуқур тайёргарлик кўрилган, нафақат бизни, балки дунё аҳлини ҳам ларзага солган бу воқеаларнинг томирига етиб бориш, жиноятчиларнинг ҳақиқий башарасини фош этиш, адолатни жой-жойига қўйиш, бегуноҳ одамларнинг жавобгарликка тортилишига йўл қўймаслик - буларнинг барчаси ўта мураккаб ва масъулиятли вазифа бўлиб, Бош прокуратура бошчилигида олиб борилаётган тергов жараёнини охирига етказиш учун муайян вақт беришни талаб қилади.

Ҳеч шубҳасиз, эл-юртимизга қарши қаратилган бу қабиҳ, ақлга сиғмайдиган разолатни ким ташкил этгани, бу ишга ким раҳнамолик қилгани, маблағ ва қурол билан таъминлагани, уни амалга ошириш учун кимлар жалб қилингани, бу кўпорувчиликни уюштириш учун улар қаерда, ким орқали ва қайси йўл билан, қайси лагер ва полигонларда тайёргарлик кўргани ҳақида тергов ўз хулосасини чиқаради ва суд бу жиноят бўйича сўнгги нуқтани қўйганидан кейин халқимизга, халқаро жамоатчиликка маълумот берилади.

Мен бугун тергов материалларига асосланган ҳолда, бир нарсани аниқ айтишим мумкин: ҳар томонлама пухта тайёрланган бу жиноий ҳаракатларнинг илдизи мамлакатимиз ташқарисида жойлашган халқаро террорчилик ва экстремизм марказларига бевосита бориб туташмоқда. Буни тасдиқлайдиган далил-исботлар етарли.

Бугун биз ана шу фожеали воқеалар ҳақида гапирар эканмиз, мен учта муҳим масалага эътиборингизни жалб қилишни, буларга жавоб топишни зарур деб биламан. Бу ёвуз ҳаракатлар кимга қарши ва нимага қарши қаратилган? Ва уларнинг охир-оқибат мақсади нима?

Битта масала барчамизга аён бўлиши керак. Бу портлашларни кўр-кўрона бажарган, онги паст, калтабин, мияси заҳарланган ижрочилар бор. Шунингдек, буларни уюштириб, ўз халқига қарши жиноятга йўллаган ташкилотчи ва раҳнамолари ҳам борки, уларни бир-биридан ажратиш, ҳар қайсисига алоҳида баҳо бериш зарур.

Фақат мана шундай кўз билан қараб, бу воқеаларнинг таг-томирига етиб боришимиз, Ўзбекистонни, унинг мақсад- муддаоларини кўролмайдиган, кўп йиллардан буён юртимизга қарши кўпорувчи-террорчилик ҳаракатларини олиб бораётган кучлар ва марказларни, уларнинг разил қиёфасини ўзимизга аниқ тасаввур қилишимиз, узоқни кўзлаган манфур ниятларини тушунишимиз мумкин.

Азиз дўстлар!

Ҳаётнинг ўзи юртимизда янги давлат, янги жамият барпо этиш учун халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган тараққиёт йўлининг тўғрилигини тасдиқламоқда. Ҳозирги кунда бизнинг ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаётга эришиш йўлида қўлга киритаётган ютуқларимизни, дунё бизни тан олаётганини кўриб, сизлар қатори, бутун халқимиз қатори мен ҳам ғурурланаман.

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон фуқароларига МУРОЖААТНОМАСИ

*Азиз ватандошлар!*

*Бугун башарият ўзига хос ва зиддиятли бир даврда яшамоқда. Бир томондан, илм-фан ва техника, юксак технологиялар тараққий этиб, инсонпарварлик ғоялари, демократик қадриятлар, ўзаро ҳамкорлик дунё бўйлаб қарор топиб бормоқда. Айни вақтда ер юзининг турли минтақаларида қуролли можаролар рўй бераётгани, халқаро терроризмнинг янги-янги хуружлари оқибатида минг-минглаб одамларнинг ҳаётдан кўз юмаётгани ҳам шу замоннинг аччиқ ҳақиқатидир.*

*Бундан бир ой аввал мамлакатимиз пойтахтида, Бухоро ва Тошкент вилоятларида содир этилган, бир қанча бегуноҳ юртдошларимизнинг умрига зомин бўлган фожеали воқеалар ҳам бу ёвуз балонинг яна бир манфур намойишидир. Биз терроризм қурбони бўлган ана шу инсонларнинг, ёвуз кучларга кўксини қалқон қилиб, Ватанимиз хавфсизлиги, мамлакатимиз фуқароларининг ҳаётини асраш йўлида жонини фидо этган тинчлик посбонларининг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз. Бу юртдошларимизнинг номлари ва хотираси қалбларимизда абадий яшайди.*

*Ушбу мудҳиш ҳодиса рўй берган куннинг ўзидаёқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида махсус ҳукумат комиссияси тузилиб, зудлик билан барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилгани кўпорувчи кучларнинг пайини қирқиш, яна қанча ёвузликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш имконини берди.*

*Биз - халқ ишонч билдириб сайлаган ва унинг хоҳиш-иродасини ифода этувчи Олий Мажлис депутатлари бу қабиҳ хуружни Ўзбекистондаги барқарорликни кўролмайдиган сиёсий кучлар ва халқаро экстремистик марказлар томонидан эл тинчлигини бузиш, одамларнинг юрагига ғулғула ва ваҳима солиш, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга бўлган ишончини сўндириш, халқимиз танлаган демократик тараққиёт йўлига ғов бўлиш мақсадида олдиндан тузилган режа асосида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари, деб баҳолаймиз ва кескин қоралаймиз.*

*Республиканинг шаҳар-қишлоқларида, маҳалла ва турар жойларда сайловчилар билан бўлган учрашувларда билдирилган фикрларга суяниб, биз шуни қатъият билан айта оламизки, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётига тажовуз қилишга уринаётган шахслар ҳеч қачон ўзининг қора ниятига етолмайди.*

*Биз юртимизнинг хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш, Ватан қудратини ошириш, маърифий дунё халқлари яшаётган фаровон ҳаёт даражасига эришиш учун бугун Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказилаётган изчил сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз, халқимизни бу йўлда янада жипслашишга, юртимизга қўл кўтарган разил кимсаларга кескин зарба бериш учун ҳар доим тайёр туришга чақирамиз. Бебаҳо боилигимиз бўлмиш фуқаролар аҳиллиги ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш - ҳар қандай ёвуз кучларнинг хуружига қарши бизнинг энг муносиб жавобимиз бўлади.*

*Бунинг учун барчамиз ҳамиша ҳушёр, сезгир ва огоҳ бўлишимиз, террорчилик ва диний ақидапарастлик жаҳолатига, дин ниқоби остидаги бузғунчилик кўринишларига қарши курашда ҳокимият идоралари билан фаол ҳамкорлик қилишни, ўз уйимиз, маҳалламиз ва юртимизни ҳимоя этиш, асрашни муқаддас фуқаролик бурчимиз деб билмоғимиз лозим. Шуни алоҳида таъкидлаб айтамизки, муборак заминимизда бундай ёвузлик ва қабоҳатга йўл қўймаслик учун шу юртда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсон бевосита масъулдир.*

*Олий Мажлис барча давлат органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига мурожаат қилиб, уларни мамлакатимизда тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, мустақиллик, демократия ва тараққиёт ғояларини амалга ошириш борасида фаоллик кўрсатишга даъват этади.*

*Ишонамизки, кўпни кўрган уруш ва меҳнат фахрийлари, машаққатли синовларда мардлиги ва матонатини намоён этган, эл-юрт ободлиги йўлида ўзини аямасдан хизмат қилаётган маҳалла оқсоқоллари ва жамоатчилиги, таълим даргоҳларидаги устоз ва мураббийлар, маданият ва санъат намояндалари, уламоларимиз мамлакат тинчлигини сақлаш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида терроризм ва экстремизмнинг даҳшатли хавфини очиб беришга қаратилган маънавий-маърифий ишларни янада кучайтиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.*

*Биз келажагимиз тимсоли бўлган ёшларни мана шу таҳликали ва мураккаб замонда ён-атрофимизда рўй бераётган воқеаларга нисбатан фаол граждангик позициясини намоён этишга, халқимиз машаққатли меҳнат билан эришаётган ютуқларни қадрлашга, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида бошлаган ишларимизнинг муносиб давомчилари бўлишга даъват этамиз.*

*Азиз ватандошлар!*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси гўзал ва бетакрор диёримизда тинч-тотув яшаб, катта бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган барча юртдошларимизни, жамики нияти пок, дунёқараши соғлом кишиларни террорчилик ва экстремизм, уюшган жиноятчиликка қарши курашда янада ҳамжиҳат бўлишга чақиради. Ўзбекистонни ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш йўлидан, ўз халқига озод ва фаровон турмуш шароити яратиб бериш, жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллаш йўлидан ҳеч ким, ҳеч қандай ёвуз куч қайтара олмаслигини яна бир бор қатъий баён этади.*

**Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган**

***29 апрел куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси ўз ишини бошлади.***

***Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.***

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпуснинг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи - Котибиятни ташкил этди, кун тартибини тасдиқлади.

Сессия иштирокчилари депутат Й.Сулаймонов хотирасини ёд этдилар.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг март ойи охири апрел ойининг бошида мамлакатимизда рўй берган ва бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган фожеали воқеаларга принципиал сиёсий баҳо берди. Ўзбекистон Президенти бу террорчилик ҳаракатларини жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузиш, халқимизни дунёвий, демократик ривожланиш йўлидан қайтаришга уриниш сифатида баҳолади. Мамлакатимиз раҳбари халқаро террорчилик, экстремизм ва диний ақидапарастликнинг намоён бўлиш сабабларини чуқур ва батафсил таҳлил қилиб, улар Ўзбекистоннинг бугунги куни ва келажаги учун хавфли эканлигини қайд этди. Ислом Каримов мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳар бир фуқаронинг зиммасидаги масъулиятли бурч эканлигини таъкидлаб, сессия қатнашчиларини бундай таҳдидларга қарши курашни кучайтиришга чақирди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори Н.Иброҳимов, Ўзбекистон туманидаги 30-мактаб директори М.Анварова, Навоий кон-металлургия комбинати бош директори Н.Кучерский Президент Ислом Каримов нутқида баён этилган фикрларни қўллаб-қувватлади ва Олий Мажлиснинг Ўзбекистон фуқароларига Мурожаатнома қабул қилишни таклиф қилди.

Депутатлар Олий Мажлиснинг Ўзбекистон фуқароларига Мурожаатнома тайёрлаш учун таҳрир гуруҳини тузди. Танаффусдан сўнг Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э.Воҳидов халқ вакиллари гуруҳи томонидан тайёрланган Мурожаатнома матнини ўқиб эшиттирди. Олий Мажлиснинг Ўзбекистон фуқароларига Мурожаатнома қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси тўғрисида молия вазири М.Нурмуродов маъруза қилди. Мазкур масала юзасидан Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи А.Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ўтган йилги ижроси тўғрисидаги ҳисобот муҳокамасида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Т.Долимов, Мингбулоқ тумани ҳокими Б.Ҳайдаров, Ғаллаорол туманидаги Тозауруғ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Т.Норқулов, Олий Мажлиснинг Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси раиси Ш.Хўжаниёзова, «Бухородонмаҳсулот» ишлаб чиқариш-акционерлик уюшмаси раиси Б.Бозоров иштирок этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»-ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди.

Парламент сессияси биринчи иш кунининг кечки мажлисида депутатлар Паркент тумани ҳокими М.Қўччиев, «Лола-Узор» хусусий кўп тармоқли фирма директори Х.Мирзааҳмедов, Оқдарё туманидаги Мирзо Улуғбек номли 2-мактаб директори Ж.Исроилов, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрининг етакчи хонандаси М.Раззоқова, Андижон вилояти ҳокимлигининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожланиш масалалари котибияти мудири Н.Исроиловнинг чиқишидан сўнг номи зикр этилган қонунни ва уни амалга татбиқ этиш ҳақидаги қарорни қабул қилди.

Сессияда «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонун лойиҳасини парламентнинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик депутатлар эътиборига ҳавола қилди. Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Бухоро аэропорти директори Т.Бахронов, Қарши шаҳар ҳокими И.Асадов, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси бош директори С.Умаров, Андижон вилоятидаги «Андижон нашриёт-матбаа» очиқ акционерлик жамияти бошқаруви раиси Х.Нуғмонов, «Билдинг-технолоджиз» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси директори С.Ким қатнашди. Депутатлар ушбу қонунни ва уни амалга жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси ўринбосари С.Солиев «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини сессияга тақдим этди. Бу ҳужжат муҳокамасида «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раисининг ўринбосари Х.Дўстмуҳамедов, «Шаҳрисабзконсерва» ишлаб чиқариш-акционерлик жамияти раиси Н.Исмоилов, Қумқўрғон тумани ҳокими Н.Чориев, «Новатор» ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгаши раиси А.Матвеев, парламентнинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Э.Мирзаев иштирок этди. Депутатлар мазкур қонунни ва уни амалга татбиқ этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафоева «Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди. Ушбу масала муҳокамаси чоғида Марғилон шаҳар ҳокими А.Акрамов, «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари бош муҳаррири А.Болиев, Сирдарё вилояти халқ таълими бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари Г.Латипова, Бандихон тумани ҳокими У.Чўтбоев, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Хоразм вилояти бўлими раҳбари Г.Ибодуллаева ўз фикрларини билдирди. Парламент «Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунни ва уни амалда жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси жорий йил 30 апрел куни ўз ишини давом эттиради.

## ҚИШЛОҚ ЧИРОЙИ

Боёвут туманидаги «Боёвут-1» ширкат хўжалиги ҳудудида спорт мажмуи қурилишига 160 миллион сўм сарфланади. Хўжаликнинг Муқимий номли бўлимида 1000 ўринга мўлжалланган стадион, баскетбол, волейбол ва теннис майдонлари, спорт гимнастикаси, миллий кураш, бокс заллари, дам олиш, ечиниш ва ювиниш хоналари ҳамда бошқа ёрдамчи иншоотлар барпо этилмоқда.

- Объектнинг асосий буюртмачиси жамоамиз ҳисобланади, -дейди «Боёвут-1» ширкат хўжалиги раиси Г.Алиев. - «Эшмамат ота», «Бекзод», «Аҳмадий», «Йўлчи», «Шеробод», «Камолот» фермер хўжаликлари ҳам бу ишга ўз ҳиссасини қўшиб, қурилиш харажатларининг катта қисмини ўз зиммасига олди. Бош пудратчи ҳисобланган маҳаллий қурилиш-монтаж бошқармаси мажмуани 1 сентябрга топширишга аҳд қилган ва мустақиллигимизнинг 13 йиллигини шу ерда нишонлаш ниятидамиз.

Бу қишлоқдаги ягона қурилиш эмас. Ширкат хўжалиги «Ўзбекистон» бўлими учун ҳам катта маблағ ажратди. Бўлимдаги кўпдан буён бўш ётган бинони гузарга айлантиришга қарор қилинди. Бу ерда маҳалла қўмитаси идораси, милиция таянч пунктидан ташқари кундалик эҳтиёж моллари дўкони, дорихона, телевизор ва радио тузатиш устахонаси, фотосуратхона, кинотеатр, тиббиёт пункти ҳамда ветеринария станцияси очилади. Гузар ишга туширилгач, маҳаллада истиқомат қилувчи 30 дан ортиқ киши иш билан таъминланади.

# АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

## ижтимоий ҳимоянинг муҳим йўналиши

***Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳр ва мурувват йили» дастури асосида Тахтакўпир туманида аҳолини ижтимоий муҳофазалашга қаратилган ибратли ишлар амалга ошириляпти.***

Оролбўйида вужудга келган экологик вазият ҳар бир оилага ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатишни тақозо этади. Шу боис тумандаги маҳаллий бошқарув идоралари, тадбиркор ва ишбилармонларнинг ҳомийлик ёрдами кам таъминланган фуқаролар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, етим-есир ва ёлғиз кексаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга жалб этилган.

Аҳолини иш билан таъминлаш ижтимоий ҳимоянинг муҳим йўналиши. Кичик ва хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш орқали 400 фуқаро ишга жойлаштирилди, 105 киши вақтинчалик юмушларга тортилди. 254 нафарига иш билан таъминлаш жамғармаси ҳисобидан ишсизлик нафақаси тайинланди. Овулларда 261 та янги иш ўринлари очилиб, 11 нафар тадбиркорга 6 миллион 600 минг сўмлик имтиёзли кредитлар берилди.

Ўтказилган меҳнат ярмаркаларида ўндан ортиқ корхона, ташкилот ва муассаса фаолияти ўрганилиб, 266 та бўш ўринлар очилди ва 100 дан ортиқ киши ишга жойлаштирилди.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан туман марказии ширкат хўжаликлари, овуллар ҳудудини ободонлаштиришга алоҳида эътибор берилияпти. Баҳорда 30 минг туп мевали, 47 минг туп манзарали дарахт ниҳоллари экилди. 414 километр ички сув йўллари тозаланиб, кўча ва йўллар тартибга келтирилди.

Овулларга қатнайдиган автобусларда имтиёзли юриш учун 40 нафар қарияга енгилликлар берилди. «Турмуш» акционерлик жамияти кўмаги билан 20 нафар ёлғиз қарияга текин маиший хизмат кўрсатила бошланди. Ҳудудда 48 нафар ёлғиз кексалар бўлиб, уларга давлат томонидан 8 хилдаги маҳсулотлар берилияпти. Ўзгалар ёрдамига муҳтож кишиларга ёрдам пули ва дори-дармонлар тарқатилди. «Янги дарё» ширкат хўжалиги ва «Тахтакўпир» деҳқон бозори очиқ ҳиссадорлик жамияти ногиронларга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди.

Икки ёшгача боласи бор оналарга давлат томонидан 44 миллион 414 минг сўм нафақа тўланди. Туман уй-жойдан фойдаланиш, электр тармоқлари идоралари «Тахтакўпиргазтаъминот» корхонаси юздан зиёд муҳтож кишиларга ичимлик суви, электр энергияси ва газдан фойдаланишида бир қатор енгилликларни яратди. Ёлғиз кексалар ушбу корхоналарнинг олган даромади ҳисобига бу хизматлардан 50 фоиз арзонлаштирилган ҳолда фойдаланадиган бўлди.

«Энг обод маҳалла» республика кўрик-танловида фахрли учинчи ўринни эгаллаган «Тахтакўпир» қишлоқ фуқаролар йиғинида ногирон ва фахрийлар, кўзи ожизлар, етим болалар ҳомий ташкилотларга бириктилган бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар билан текин таъминланяпти.

Оталар дуоси –эл муддаоси. Овулларда яшайдиган 2530 нафар фахрийлар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилиб, касал деб топилганлари шифохоналарда даволанди. Йигирма нафар меҳнат фахрийси Тахиатош шаҳридаги қариялар санаторийсида даволаниб, соғлиқларини тикладилар.

Наврўз байрами кунларида туман ҳокимлиги, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод» ва ҳомий ташкилотлар 2110 та кам таъминланган оиланинг аҳволидан хабар олиб, моддий ёрдам кўрсатдилар.

**Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири**



Муборак газни қайта ишлаш заводида амалга оширилаётган бугунги ишлар мўъжизага қиёс. Унинг яратувчиси эса шу куннинг оддий одамлари. Очиғи, бу ерда бунёдкорлик китобининг қайноқ ҳаёти акс этган саҳифаларни ўқиш мумкин. Нега? Чунки улар ўз ҳузур-ҳаловати, орому оройишини истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлидаги шарафли меҳнатга бахшида этишган.

***Суратда: илғор ишчилар Ўктам Умаров ва технологик қурилма оператори Аббос Ҳасановлар***

**Д.ТОҲИРОВ олган сурат**

*Бир Фармон шарофати*

# «ТЕЗ ЁРДАМ» ЙЎЛГА ЧИҚДИ

«Тез ёрдам» машинаси катта йўлда ўқдек учиб борарди. Пиёдалар йўл бўшатишар, ҳаракатланаётган машиналар ўзларини четга олардилар. Машина муюлишда кескин бурилиб, «Шошилинч тез тиббий ёрдам» маркази томон ошиқди.

Навбатчилик қилаётган шифокор машинага ўрнатилган кўчма алоқа воситаси орқали бемор аҳволидан аллақачон хабар топганди. Унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун бутун касалхона оёққа турганди.

Автоуловнинг орқа эшиклари очилиши билан тиббий ёрдамга шайланиб турган ҳамширалар бемор ётган ҳаракатланувчи аравачани чаққонлик билан кўтариб, дарҳол жарроҳлик постига йўл олдилар. Марказнинг халқаро соғлиқни сақлаш андозаларига мувофиқлаштирилганлиги ҳар қадамда намоён бўлиб турипти. Машина йўлдалигидаёқ «Тез ёрдам»дан олинган чақириқ марказга узатилган, у компьютерда таҳлил қилиниб, экранда «холоцистит» деган ташхис номи кўриниб турарди.

Баъзан дақиқалар инсон ҳаётини ҳал қилади. Бемор шошилинч операция столига ётқизилганлиги боиси ҳам шу эди. Қайчиларнинг ғийқиллаши, докаларнинг майин йиртилиши элас-элас беморнинг қулоғига чалинар, ярим-юмуқ кўзларига гоҳо боши устида ярақлаган чироқлар, оқ қалпоқ кийган шифокорларнинг тер томчилари билан қопланган пешоналари кўринарди... Анваржон Шерматов касалнинг ўт пуфагини йиринглаган жароҳатдан фориғ этгач, қорин бўшлиғини тикишни ҳамкасби, ассистент Аҳмаджон Ҳамидовга топширди. Юзидаги дока ниқобни, қўлларидаги елим қўлқопларни ечиб, аста беморнинг боши узра энгашди. Бир текисда нафас олишини, оромга кетишини назарда ўтказаркан, боядан бери елкасини зилдек босиб турган юкдан халос бўлгандек сезди ўзини. «Истиқлол» ширкат хўжалиги аъзоси Маликахон Зоитованинг ҳаёти сақлаб қолинганди.

Биз юқорида Марҳамат шаҳар ҳудудидаги «Шошилинч тез тиббий ёрдам» маркази шифокорларининг одатий иш кунларидан лавҳа келтирдик, холос. Жарроҳлик, жонлантириш, ички касалликларни даволаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби ихтисослашган 4 та навбатчилик бўлимлари аҳоли саломатлигига хизмат қилмоқда. Касалхонада 100 нафарга яқин тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда. Улардан 27 нафари даволовчи шифокорлар ҳисобланади.

Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармонидан кейин, марказ фаолияти такомиллашмоқда. Хусусан, аҳолига тиббий-санитария ёрдами хизмати кўрсатиш янгиланиб бормоқда. Сиҳатгоҳнинг моддий-техникаси мустаҳкамланди. Бўлимлар ташхис ва даволашнинг илғор услубларига асосланган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, технологиялари билан қайта жиҳозланди.

2003 йилнинг ўзида хориждан харид қилинган 10 миллион сўмлик тиббиёт ускуналари олиб келинди. Айни кунларда одам ички аъзолари ҳолатини тадқиқ қиладиган ҳамда ошқозон ичак йўллари касалликларига ташхис қўядиган «УЗИ», «ЭКГ», рентген эндоскопик аппаратлари кўмагида даволаш ишлари олиб борилмоқда. Ноёб операцияларни ўтказиш, ҳаётий муҳим аъзоларни тикловчи жарроҳлик ишларини амалга оширишда ушбу тиббиёт техника-технологиялари қўл келмоқда. Афзаллик томони «Шошилинч тез тиббий ёрдам» кўлами кенгайиб, сифати ошмоқда. Натижада беморлар операциядан кейин ўз оёқлари билан уйларига қайтмоқдалар, даволаниш муддатлари қисқармоқда.

Марказ халқаро соғлиқни сақлаш йўналишида иш кўраётган «КЭС кредит» ташкилоти билан фойдали тиббий ҳамкорлик қилаётгани таҳсинга лойиқ. Гуманитар йўл билан чет мамлакатлардан қон босимини туширувчи, ошқозон-ичак яраларига малҳам бўлувчи камёб атиналол, цефтин, мизофидин каби дори-дармонлар келтирилди.

Даволаш ишларининг сифати ва самарадорлиги касабақўм билан маъмуриятнинг доимий назоратида. Марказда шошилинч тез тиббий хизмат бўйича мониторинг ўтказиш ташкил қилинган. Яъни шифокорлар тиббий кенгаш ҳайъати олдида ҳар ойда «имтиҳондан» ўтадилар. Мутахассисларнинг даволаш ишлари сифати беморлар билан муомала маданияти, дори-дармон сарфи, касбий малакаси баллар билан баҳоланади. Юқори кўрсаткичларга эришганлар ойлик маошга қўшимча ҳақ билан моддий рағбатлантирилмоқда.

Тиббиёт ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилиш, рағбатлантириш, тиббий хизмат маданиятини яхшилаш тадбирлари жамоа шартномасида мустаҳкамлаб қўйилган. Жамоа вилоят «Шошилинч тез тиббий ёрдам» марказ ходимлари ўртасида касб маҳоратлари бўйича ўтказилган кўрик-танловда ғолиб чиқиб, 1,5 миллион сўмлик пул мукофоти билан тақдирланди.

Марказда беморларнинг кўнглини олаётган лутфи хушкалом шифокорлар кўп. Зар қадрини заргар билади, деганларидек, навбатни беморларга берайлик.

Нурмуҳаммад Ашуров,

- «Машъал» ширкат хўжалигида яшайди:

«Гапириб беришларича, бош мия пардасига қон қуйилиши туфайли ўзимдан кетган эканман. Пешонамни кимдир силаётганида касалхонада ҳушимга келдим. Кўзимни очсам, невропотологлардан Муҳаммаджон Охунжонов, Азимжон Турғуновлар бошимда турииптилар. Кейинчалик билсам, улар уч кечаю, уч кундуз оёқда туриб мени ўлимдан қутқариб қолибдилар».

Наргиза Абдужалилова,

- М.Тожибоев номли ширкат хўжалиги ишчиси:

«Шифокорлардан Равшанбек Сувонов, Абдуваҳоб Отахоновлар биринчи чақириқдаёқ уйимизга етиб келишди. Чақалоғим зотилжам касалига чалинган экан. Зудлик билан касалхонанинг оналар ва болалар бўлимига келтиришди. Уларнинг фидойилиги билан чақалоғим соғайиб кетди».

У.Қорбоев номли ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Муҳаммаджон Мақсудов аллақачон терапия бўлимини тарк этган. Аммо шаҳарга келди дегунча, даволовчи шифокор Эркинжон Усмоновнинг ҳузурига бош суқмасдан кетолмайди. Чунки, миокард инфарктга чалиниб, касалхонага тушганда, шифокор муолажаси билан уни ўлим чангалидан қутқариб қолган экан.

Марказдан чиқаётиб, унинг деворидаги қизиқ маълумотларга кўзимиз тушди. Унда ички аптекада мавжуд дори-дармонларнинг рўйхати келтирилганди. Касабақўм раиси Исроилжон Исоқов ҳамда маъмурият жонкуярлиги билан касалхонага шундай тартиб белгиланганидан мамнун бўлдик. Бунинг нафи шуки, биринчидан, беморлар сиҳатгоҳдаги дори-дармон захирасидан мунтазам хабардор бўлиб турадилар. Иккинчидан, айрим касалхоналарда учраётганидек, дори-дармонларнинг хуфёна савдосига ўрин қолмайди.

Хуллас, давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимида аҳолининг ижтимоий ҳимоясига нақадар катта ғамхўрлик қилаётганлигини марказ мисолида яққол кўрдик. Бу ерда барча даволаш юмушлари ва дори-дармон таъминоти давлат бюджети ҳисобидан қопланмоқда.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

## МАЪНАВИЯТ ДАРСЛАРИ

Бойлик фақат мол-дунё билан эмас, балки дунёқарашнинг кенглиги, фикрнинг теранлиги билан ўлчанади. Маънавиятнинг ҳар қайси қалбга кириб бориши учун ўша инсонда хоҳиш бўлса кифоя.

Фикримизнинг исботи сифатида Тошкент шаҳар ИИББ Патрул пост хизмати бригадасининг шахсий таркиб билан ишлаш бўлими томонидан ҳар ҳафтада бир неча соатга мўлжаллаб ўтказиб келинаётган маънавият дарсларини айтиб ўтиш мумкин. Бу ерда махсус режа асосида тузилган ўқув мавзулари кенг қамровли.

Жумладан, «Янги фикр, янгича ёндошув сари», «Соғлом оиланинг шаклланишида маънавиятнинг роли», «Ёшлар умидимиз, нуронийлар фахримиз», «Бугунги дунё манзараси ва минтақавий барқарорлик», «Хотира муқаддасдир» каби қатор мавзуларда қизиқарли суҳбатлар ўтказиб борилади. Ўз касбининг устаси, катта инспектор, милиция майори Марс Ибрагимов маънавият дарсларининг самарали ўтиши учун доимо тинмай изланади.

Янги-янги мавзулар билан дарсларнинг хилма-хиллигини таъминлашга ҳаракат қилади. Бу эса ўз навбатида осойишталигимиз посбонларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Роза САЙДАҲМЕДОВА, «Ишонч» мухбири**

*Тадбиркорлик давр талаби*

***Бухоролик келин Мунаввар Нурхонова зардўзлик касбини Деҳқонободда ривожлантиришга бел боғлади.***

***Ишбилармон аёл она шаҳри Бухородан малакали ҳунармандларни таклиф этиб, шу ерлик қизларга ушбу касб сирларини пухта ўргата бошлади. Зардўзлик бошқа касбларга нисбатан анча мураккаб, билим ва малака талаб қиладиган соҳа бўлганлиги сабабли Мунаввар Нурхонова анча елиб-югурди.***

# БУХОРОЛИК ИШБИЛАРМОН КЕЛИН

Натижада қизлар яратган келин-куёв, заркўйлак, зар чопон, зар матолардан тикилган уй анжомлари харидорлар нигоҳига тушди. Мунаввар Нурхонова ота-боболаримизнинг қадимий ноёб ҳунарини ривожлантириб, туманда «Роҳат» кичик корхонасини ташкил этди. Дастлабки йилларда 20 нафардан ортиқ деҳқонободлик хотин-қизлар зардўзликни пухта эгаллашди.

– Зардўзлик ҳунари ижодкорликни талаб қилади, – дейди М.Нурхонова. – Бир-бирига ўхшамаган замонавий зардўзлик гуллари ва нақшлари, айниқса, қадимги миллий нусхалар тикилиши зарур. Корхона учун ҳозир бўлган зар, матоларни республика миқёсидаги ҳунармандлардан келтириб бермоқдамиз. Кичик корхонамизни ташкил этганимизда ҳунар ўрганишга келган хотин-қизлар Нигора Жавлиева, Малика Мирзаева, Саодат Бўриевалар эндиликда тажрибали устоз зардўзлар сафидан муносиб ўрин олишди. Зардўзлик билан бирга гиламчиликни ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Чунки гиламчилик деҳқонободликларнинг азалий касби ҳисобланади. Буни эътиборга олиб, биз ҳунармандлар ишини марказлаштирган ҳолда ташкил этиш, айниқса, миллий замонавий нусхаларни тўқишга эътибор қаратдик. Асосан цехда қўлда урчуқ билан йигирилган ипдан гилам тўқишни йўлга қўйдик.

Бу ерда ишлаб чиқарилган нафис, силлиқ гиламлар нафақат вилоят мижозларининг, ҳатто чет элликларнинг ҳам эътиборини ўзига тортмоқда. Савдога чиқарилган «Ғажари», «Ироқи», «Терма», «Қирқ кўнгил» гиламлари шулар жумласидандир.

Ҳа, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида 40 дан ортиқ ишсизларни иш билан таъминлаш учун Мунаввар Нурхонова ўзининг барча билимини ишга солди. Кичик корхонада самарали меҳнат қилаётган Ҳиммат Янгибоев, Ҳабиба Йўлдошева, Ўрозгул Бозорова, Зебо Овозхоновалар сифатли гилам тўқиб режаларни доимо ошириб бажариб келмоқда.

**Хайрулла ТЎРАЕВ**

## КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТИ КЕНГАЙМОҚДА

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши йилдан йилга ўсиб боряпти. Жумладан, ўтган йили бу кўрсаткич қирқ фоизни ташкил этди.

Консалтинг хизмати ана шундай тез ривожланаётган соҳалардан. Консалтинг фирмалари турли компанияларга молиявий, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил қилиш ва рўйхатдан ўтказиш, товар ва хизматлар бозорини тадқиқ этиш ва истиқболга оид масалаларда фойдали маслаҳатлар ва тавсиялар беради. Ҳозирги пайтда республикамизда беш юзга яқин консалтинг ва аудит компанияси ишлаб турибди.

- Машинасозлик, тўқимачилик, қурилиш, кимё, ёғмой, тамаки, озиқ-овқат саноати, туризм, банк иши, ахборот технологиялари тармоқлари корхоналарига ишни халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ташкил этишда кўмаклашаяпмиз, - деди «ŞKS» компанияси бош директори Мурод Абдуҳакимов ЎзА мухбирига. - Йил бошидан буён мижозларга ўн беш миллион сўмликдан зиёд хизмат кўрсатилди. Компаниямиз қўшни Қирғизистон ва Қозоғистондаги мижозларга ҳам хизмат кўрсатиш учун шартномалар тузишга киришди.

Содиқ ака Бобоназаров мана 35 йилдирки, қишлоқ хўжалиги техникалари соҳасида ишлаб келмоқда.

Дастлаб иш фаолиятини институтни томомлагач, Шўрчи қишлоқ хўжалиги техника базасида муҳандис-технолог бўлиб ишлади. Кейинчалик Жарқўрғон тумани қишлоқ хўжалиги техника базаси бош муҳандиси бўлиб, ҳозирда эса тумандаги мазкур корхонанинг бошқарувчиси вазифасида ишламоқда.

Ҳозир устоз-мураббий олтмиш ёшга тўлган, лекин бир кун йўққи, Содиқ ака тумандаги Ҳовдак ёки Боботоғ массивларида меҳнат қилаётган қишлоқ механизаторларидан хабар олмаса. Устознинг кўп йиллик иш тажрибаси ёшларга доимо асқотади. У ўз шогирдлари билан фахрланади.

**Суратда: Содиқ ака шогирдлари билан.**

**И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.**



## МУСИҚА АСБОБЛАРИ БИЛИМДОНИ

Андижонлик уста, Шарқ мусиқа созларининг билимдони Абдумалик Мадраҳимов Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буюртмасини ўз вақтида ва сифатли бажаришга муваффақ бўлди.

"Ғижжаки Бобурий" ишлаб чиқариш фирмасининг раҳбари А.Мадраҳимов ўз устахонасида 20 дона чанг мусиқа асбоби ясаб, мазкур вазирликнинг ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим марказига топширди.

Уста қарийб қирқ йилдан буён турли хил созларни тайёрлаш билан шуғулланади. Ўтган йиллар мобайнида у ўз ўғилларидан ташқари ўнлаб шогирдларига ўз касби сирларини ўргатди. Бугунги кунда уста ўз фирмасини ташкил этиб, таниқли созандаларнинг буюртмаларини бажармоқда.

*Қонун барчага баробар*

# ШАРТНОМАНИ БАЖАРМАСЛИК ОҚИБАТИ

***Бугунги кунда ўзи имзолаган шартномага сўзсиз риоя этиб, фойда олаётган, пировардида ҳам ўзининг фаровон яшашига, ҳам мамлакат иқтисодий қудратининг юксалишига ҳисса қўшаётган тадбиркорлар, хўжалик юритувчи субъектлар кўпчиликни ташкил этади.***

Бироқ хўжалик судлари амалиётининг таҳлиллари кўрсатаётганидек шартномавий муносабатларда ҳамон муаммолар учраб турибди. Халқимизда лафз, деган бебаҳо тушунча бор. Яъни ваъда бердингми, албатта бажаришинг шарт. Йўқса, юзинг шувут бўлади, ҳамкорларнинг олдида бебурд бўлиб қоласан.

Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан яқинда кўрилган низоли иш ҳам юқорида билдирилган фикрларимизнинг тасдиғидир.

Гап шундаки, Тошкент шаҳридаги «Аҳрор Жабборов» ва «Аберд» фирмаси ўртасида 2003 йил 25 апрелда шартнома тузилади. Унга мувофиқ «Аҳрор Жабборов» фирмаси «Аберд»нинг ҳисоб рақамига озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун 2 миллион сўм пул ўтказади. «Аберд» эса шартномага мувофиқ маҳсулотни 5 кун ичида тадбиркорга етказиб бериши керак эди. Лекин орадан 10 ой ўтиб ҳам маҳсулотдан дарак бўлмайди.

Мурожаатлари эътиборсиз қолдирилавериб, сабр косаси тўлган тадбиркор А.Жабборов ўзи ўтказган пул ва унга қўшиб шартномани бажармаганлиги учун жарималарни ундириб бериш тўғрисида Тошкент шаҳар хўжалик судига мурожаат қилди.

Ишдаги материалларни атрофлича ўрганиб чиққан хўжалик суди «Аберд» дан «Аҳрор Жабборов» хусусий фирмаси фойдасига 2 миллион сўм асосий қарз ва шартнома бажарилмаганлиги учун 1 миллион сўм жаримани ҳам ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Бундан ташқари, «Аберд» фирмаси 60 минг сўм давлат божи, 4 минг сўм почта харажатларини ҳам тўлайдиган бўлди.

**Каромат ДАВЛЕТОВА, Тошкент шаҳар хўжалик судининг катта маслаҳатчиси**

## АСАКАДА БИЗНЕС ИНКУБАТОР

Асакадаги тадбиркорлар саройида бизнес- инкубатор ўз ишини бошлади.

Бизнес инкубатор директори Тоҳиржон Аҳмаджоновнинг таъкидлашича, маҳаллий тадбиркорлар ва ҳунармандларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида очилган ушбу марказ хусусий тадбиркорликнинг ишлаб чиқаришдаги улушини сезиларли даражада кўпайтиради.

Янги бизнес инкубаторда тадбиркорлар ва кичик бизнес мутахассисларининг ҳуқуқий тайёргарлигини ошириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ерда консалтинг ва ахборот хизматлари , инглиз ,корейс ва рус тилларини ўрганиш курслари иш бошлади.

## "СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?"

Андижонда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг ўқувчи ва талабалари ўртасида "Сиз қонунни биласизми?" республика танловининг вилоят босқичи якунланди.

Тадбир вилоят "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда халқ таълими, адлия ва ички ишлар бошқармалари томонидан уюштирилди.

Танловда Марҳамат тумани агросаноат касб-ҳунар коллежи ғолиб чиқди. Эндиликда улар республика танловига йўлланма олишди.

## «ВАРДОНЗА» ЛИБОСЛАРИ

Шофиркон туманидаги «Вардонза» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури яна ўн биттага кўпайди. Бу ерда каратэ, теннис, футбол, волейбол, енгил ва оғир атлетика билан шуғулланувчи ёшлар учун махсус либослар тикиш йўлга қўйилди.

Янги маҳсулотларнинг илк намуналари туман мактабларига етказиб берилди. Корхонага нафақат Бухоро, қўшни Навоий ва Қашқадарё вилоятларидаги таълим-тарбия муассасаларидан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Спорт либослари юз фоиз пахтадан тайёрланаётгани, қизларга мўлжалланган кийимлар эса миллий қадриятларимиздан келиб чиқиб тикилаётгани харидорларга манзур бўлмоқда.

## СУҒУРТА ХОДИМЛАРИ ҲИММАТИ

Савоб ишни ҳар ким ва ҳар куни қилиши керак, деган тамойилга амал қилган «Ўзагросуғурта» компаниясининг Қорақалпоғистон бўлими Шуманай тумани марказидаги болалар спорт мажмуига спорт анжомлари сотиб олиш учун беш миллион сўм ажратди. Кам даромадли, серфарзанд ва боқувчисини йўқотган 53 оилага эса 795 минг сўм моддий ёрдам кўрсатди.

Энг муҳими, тумандаги бошланғич синф ўқувчиларининг барчасини 100 минг сўмдан суғурта қилди.

**(ЎзА)**

***__Оролбўйи экологиясини, аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш ва атроф-муҳитни муҳофазалашга қаратилган кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори одамлар яшаш ва турмуш шароитларини яхшилаш бўйича мақсадли дастурларни ўз ичига олади.__***

# ОРОЛБЎЙИГА ҚУШЛАР УЧИБ КЕЛДИ

Соҳилини йўқотиб, қуриб бораётган катта наҳрни сақлаб қолиш, Орол денгизи билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш нафақат Марказий Осиё, балки дунё жамоатчилигининг вазифасига айланди. Минтақавий экологик соғломлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг қарори билан тузилган Халқаро Оролни қутқариш жамғармасининг мақсади экологик тангликдан жабр чеккан фуқароларнинг турмуш даражасини мўътадиллаштириш, атроф-муҳитни соғломлаштиришга доир лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ қилиш, халқаро жамоа ва молия ташкилотлари билан алоқалар ўрнатиб уларнинг эътиборини дунёвий аҳамиятга эга бўлган бу муҳим ишга жалб этишдан иборат.

Қорақалпоғистон ҳукумати билан ҳамкорликда «Экологик тангликдан жабр кўраётган Оролбўйи аҳолисини бозор муносабатларига мослаштиришда ижтимоий қўллаб-қувватлаш» лойиҳасининг татбиқ этилиши ижобий самара бермоқда. 1998 йилнинг июлидан бери ана шундай лойиҳалардан 2807 таси молиялаштирилиб, 2227,4 миллион сўм маблағ сарфланди. Микрокредитлар ажратиш ва кам таъминланганларга кўмак бериш орқали 5 мингга яқин ишчи ўринлари яратилиб, 15 мингдан ортиқ оиланинг иқтисодий аҳволи енгиллаштирилди.

Тириклик манбаи обҳаётдан тежаб-тергаб фойдаланиш иқтисодий гидротехник иш бўлибгина қолмай, муҳим аҳамиятга молик маънавий масала ҳам ҳисобланади. Беш давлат бирлашиб, муаммоларни ечиш мақсадида «Орол денгизи ҳавзаси сув заҳиралари ва атроф-муҳитни бошқариш» деб номланувчи лойиҳанинг қабул қилиниши ҳамда амалга оширилиши минтақа истиқболида янги йўналишларни белгилаб беради.

Сўнгги уч йил ичида рўй берган сув танқислиги қорақалпоқ халқининг метин иродаси ва матонатини яна бир синовдан ўтказди. Халқаро ташкилотлар томонидан Орол муҳофазаси учун 47,7 миллион долларлик грант ва 278,7 миллион АҚШ долларига тенг кредитлар ажратилди. Бевосита Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаларига катта миқдордаги грант ва 104,2 миллион долларли имтиёзли кредитлар берилди.

Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси ижроия қўмитаси Нукус филиали директори Уббиниёз Аширбековнинг таъкидлашича, кейинги икки йил мобайнида ичимлик суви, дори-дармон, озиқ-овқат, кийим-кечак ва тиббий ускуналар етказиб бериш учун 1.172,4 минг АҚШ доллари, 7,5 миллион Швейцария франки, 82,9 минг евро, 6,5 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди. Айни пайтда халқаро ташкилотлар кредитлари ва грантлари ҳисобидан умумий баҳоси 60 миллион АҚШ доллари миқдорида 9 та лойиҳа ишлаб чиқилди.

Шаҳарлар, туман марказлари, қишлоқ ва овулларга 2,3 минг километр ичимлик суви, 4,1 километр табиий газ тармоқлари тортилди. 55 та врачлик пунктлари фойдаланишга топширилди.

– Янги жамғарманинг ташкил топиши соғлиқни сақлаш минтақавий тизимини такомиллаштириш, аҳолининг, айниқса, болалар ва аёлларнинг саломатлигини, санитария-эпидемиологик вазиятни, оила тиббий маданиятини мустаҳкамлашда алоҳида эътиборга моликдир, – дейди Қорақалпоғистон соғлиқни сақлаш вазири М.Турумбетова. – Республикада тиббиётни ислоҳ қилишнинг 1998-2000 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилган.

Оролбўйида 100 га яқин қишлоқ врачлик пунктлари ишлаб турибди. Шифокорлик масканларига Бутунжаҳон банкининг «Саломатлик» лойиҳаси асосида 17 та сунъий нафас олдириш, 17 та ЭКГ, 17 та акушер-гинекологик мажмуа, 14 та санитар машиналари, кўп миқдорда дори-дармонлар етказиб берилди. 1998 йилдан бошлаб сил касалликларини даволаш бўйича ДОТС дастури республиканинг 11 та тумани ва 2 та шаҳрида татбиқ этиляпти.

Экологик вазият саломатликка кўпроқ таъсир кўрсатади. «Нукус шаҳрида инсон танасидаги тош касалликларига ташхис қўйиш ва даволашни ташкил этиш» лойиҳаси амалга оширилиб, урология марказига 1906,7 минг АҚШ доллари миқдорида замонавий асбоб-ускуналар келтирилди. Барча туман ва шаҳар шифохоналарининг туғруқ бўлимлари, Тахтакўпирдаги санаторий-профилакторий таъмирдан чиқарилди, шошилинч тиббий ёрдам марказлари ишга тушди.

### *Жайхун жозибаси*

Оролбўйи наботот ва ҳайвонот дунёсини асраш, ҳудуднинг биологик ранг-баранглигини, флора-фаунани сақлаб қолиш ҳаёт талаби, бизнинг келажак авлод олдидаги бурчимиздир.

Жайҳуннинг қуйи оқимида умумий майдони 240 минг гектарлик кўллар тизимини тиклаш, кўчма қумлар ҳаракатини жиловлаш учун бир неча ўн минглаб гектарлик янги иҳотазорлар барпо этишга киришилди. Денгизнинг оқар суви чекиниб кетган «Оқбеткай» архипелагида 570 миллион сўмлик кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади. Қораўзак ўрмон хўжалиги жамоаси саксовул, қандим, баямиш каби кўп йиллик дарахтлар экишни бошлаб юборди.

Қорақалпоғистон шимолидаги коллектор-дренаж сувларидан оқилона фойдаланиш, бунёд этилган Оралиқ сув омбори ҳажмини кенгайтириш, Мўйноқ тумани кўлларини об-ҳаётга тўлдириш юмушлари қизғин тус олган. Лойиҳа бўйича 810 миллион кубометр, ҳавзаси 69,79 гектарли сув омбори қуриш мўлжалланяпти.

Междуреченск сунъий денгизида 210 миллион кубометрдан ортиқ сув бўлиб, 25 минг гектар майдонни эгаллайди. Балиқли, Мақбал, Сарибос, Жилғирбас кўллари, Мўйноқ қўлтиғида тупроқ тўкиш, дамбалар ва бошқа гидроиншоотлар қурилиши олиб борилмоқда.

Қарийб 90 минг гектар майдондаги кўллар қайта тикланиб, 700 миллион кубометрдан ортиқ сув тўпланди. Амударё дельтаси бўйлаб денгиз қирғоқлари атрофида балиқларни урчитиш ва кўпайтириш билан шуғулланувчи хўжаликлар тузилади, ондатра етиштиришни йўлга қўйиш учун замин яратиляпти.

«Қизил китоб»га кирган паррандалар, ботқоқликда ҳаёт кечирувчи қушлар, ўрмон, тўқайларга мослашган ҳайвонот оламини кўпайтириш чоралари кўриляпти. Яқин беш йилликда ўрмонзорлар 240 минг гектарга етказилди.

... Оролбўйига қушлар учиб кела бошлади. Ўрдак ва турналар пайдо бўлди. Ойнадек тиниқ кўлларнинг сувларида балиқлар ғужғон ўйнайди. Миллатимиз келажаги ҳисобланган генофондни асрашга умид ва ишонч уйғонди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

### *Матбуот анжумани*

## САНТА-ДОМИНГОДА ЎЗБЕК КАЛОМИ

Шу йилнинг 1 - 4 май кунлари Доминикан Республикасининг Санта-Доминго шаҳрида ўзбек кураши бўйича Ш-Пан -Америка чемпионати баҳслари бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида матбуот анжумани уюштирилди.

- Ушбу чемпионатга Санта-Доминго шаҳрининг мезбон этиб танланиши бежиз эмас,-деди анжуманни КХА Бош котиби Умид Ёқубов. - Кариб денгизида жойлашган бу мамлакат атрофида дунёнинг 40га яқин мамлакатлари жой олган. Чемпионатнинг олдингиларидан фарқи ҳам шунда— баҳсларда иштирокчи давлатлар сони кўпайган.

Чемпионатда АҚШ, Мексика, Куба, Барбадос каби мамлакат полвонлари илк бора иштирок этади. Эркаклар 73, 90 ва мутлоқ вазнда гиламга чиқса, аёллар 57, 70 ҳамда мутлоқ вазнда ғолиблик учун кураш олиб борадилар. Бундан ташқари, полвонлар жамоавий баҳсларда ҳам қатнашадилар.

Мезбон Доминикан Республикаси Кураш Федерациясига дзю-до бўйича Пан -Америка Федерацияси президенти Хайно Казанова раҳбарлик қилади. Дзю-до оламида машҳур бу инсон кураш ва дзю-до ўртасидаги муносабатларни яқинлаштириб, ҳар икки спорт тури ривожи учун катта ҳаракатлар олиб бормоқда. Бу мамлакат иқтисодий тараққиёт жиҳатидан қитъада учинчи ўринда туради. Санта-Доминго шаҳри дунё сайёҳларининг севимли маскани бўлиб, машҳур денгизчи Христафор Колумбнинг қабри ҳам шу ердадир.

**А.ЮНУСОВ.**

### *Рангтасвир*

# БИР БИРИДАН ГЎЗАЛ



Ўзбек рассомчилик санъатини янгича руҳ, хилма-хил ифодалар билан бойитишда таниқли мусаввир Сайфулло Субҳоновнинг муносиб ҳиссаси бор. У санъаткор сифатида катта ижодий довонни босиб ўтди. Рассом асарларидаги теранлик, фалсафийлик ва ўзига хос рангларнинг кашф этилиши туйғуларни жунбушга келтиради, қалбга бир олам завқ бағишлайди.

С.Субҳонов болаликдан ўзи чизажак манзараларнинг мафтуни, шайдосига айланади. У юрагидаги борлиқ гўзалликларини рангларга кўчириш орзусини рўёбга чиқариш йўлида тиним билмай меҳнат қилди. Муттасил ўрганиш-изланишдан толмаган рассом ўзининг бир-биридан гўзал, рамзларга бой асарларини ярата олди.



Мусаввирнинг «Қишлоқ сюитаси», «Табиат ва инсон», «Болаликдан эсдалик» каби туркумларга ажратилган суратларида ўзига хос фантастик олам, хаёлотнинг чексиз кенгликлари намоён бўлган. Айниқса, «Қишлоқ сюитаси» туркумида ижодкор қалб эпкини билан ўзгача бир дунё, бўлакча руҳий олам ўз ифодасини топади. Қизларнинг давра қуриб туришлари, кенг дала қўйнида арғумоқларнинг яшин тезлигида елиши, дарахт шохларининг осмон бағрига қулоқ ёзган ҳолати каби тасвирлар жозибали кўриниш касб этган. «Табиат ва инсон» мавзусидаги асарларда эса атроф-муҳит, наботот ва ҳайвонот дунёсидан киши қалби чексиз маънавий гўзаллик туйиши, илло, улар бир-биридан ажралмас, яхлит бутунлик эканлиги ёрқин ранглар ҳамда фалсафий мазмунда очиб берилади. Суратлардан бирида табиатдаги жўшқин ҳаёт манзараси чизилган бўлса, бошқасида киши руҳиятига ором берувчи сокинлик ўз ифодасини топган. Манзаралар қаршисида киши гўё ёқимли куйга сеҳрлангандай ҳис этади ўзини.

«Болаликдан эсдалик» асари олис хотиралар қатида муҳрланиб қолган воқеалар, кўринишлар ифодасидир. Рассом болалиги кечган кўҳна Бухоронинг жин кўчалари, пастқам уйлар, эшак миниб кетаётган кекса мўйсафиду, бола кўтарган аёл, шунингдек, узоқ-узоқда яккам-дуккам кўриниб турган қадимий обидалар яқин ўтмиш манзарасини қайта жонлантирган. Энг асосийси, асар болалик нигоҳи, ҳайрат кўзи билан хотира тасмасига туширилган кўринишни акс эттирган. Ундан гўдаклик нафаси, ҳислари уфуриб туради.

Сайфулло Субҳонов узоқ йиллар «Санъат» журналининг бош мусаввири сифатида фаолият кўрсатди. Бу ердаги иш жараёни у учун катта ижодий мактаб вазифасини ўтади. Рассом тасвирий санъатнинг бир хил йўналишида ижод қилиш билан чекланиб қолмади. Унинг ҳажвий кўринишдаги асарлари ҳам мухлислар эътиборини қозонди. Шунингдек, у китоб иллюстрацияси бўйича ҳам салмоқли ижод қилди. Санъатнинг бу тури рассомдан катта меҳнат ва маҳоратни талаб қилиб, асарнинг мазмун-моҳиятини китобхонга очиб беришда кўмак бўлиши керак. Сурат асар билан уйғунлик ҳосил қилмас экан, унинг қиммати қолмайди. Бу борада С.Субҳоновнинг «Ёрилтош» китобига чизган иллюстрациясида катта муваффақиятга эришилган.

**Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**санъатшунос**

Қувасойдаги «Кварц» акциядорлик жамиятида ишчи ва ходимларнинг унумли меҳнатдан сўнг мароқли дам олишларига катта эътибор берилмоқда. Куни кеча корхонада спорт мажмуаси қурилиши ниҳоясига етказилди. Шу муносабат билан ёзги спорт мавсумининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

## УНУМЛИ МЕҲНАТДАН СЎНГ

- Ишчи ходимларимизнинг аксарияти спорт билан мунтазам шуғулланишлари, муттасил спорт мусобақалари ўтказиб турилиши уларда соғлом турмуш тарзини шакллантирмоқда, муваффақиятлар омили бўлмоқда, - дейди АЖ бошқаруви раиси М.Тиллахўжаева. - Соғлом авлод - буюк давлатимиз замини эканлигини назарда тутиб корхона томонидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 10 миллион сўм пул ўтказиб берилди. Шунингдек, ишчи ва ходимлар ўртасида спорт ишларини кучайтириш учун молиявий ва ташкилий тадбирлар белгиланган.

Сўнгра ходимларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ўтказилган корхона биринчилиги учун цехлараро спорт мусобақалари ғолиблари, Меҳр ва мурувват йили муносабати билан ҳамда болалар спортини ривожлантириш мақсадида шаҳардаги 90-сонли махсус интернат-мактаби ва 29-сонли умумтаълим мактаби ўқувчилари ўртасида «Кварц» соврини учун мусобақалар бўлиб ўтди. Ғолиблар маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

**И.УМАРАЛИЕВ,**
**«Кварц» акциядорлик жамияти бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси**

## ЭНЦИКЛОПЕДИЯНИНГ НАВБАТДАГИ ЖИЛДИ

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти чоп этаётган қомусий адабиётлар қизиқиш билан ўқиб-ўрганилмоқда. Мустақиллик йилларида «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашрининг олти жилди юзага келди.

Унинг еттинчи жилди эса шу яқин кунлар ичида мухлисларга тақдим этилади. Ундан «П» ҳарфининг асосий қисми, «Р» ҳарфи, шунингдек «С» ҳарфининг биринчи ярмидаги мақолалар ўрин олади. Матн ва безак материалларга бой бўлган бу жилд ҳам муҳим илмий нашр сифатида китобхонлар эътиборини ўзига тортиши табиий.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки уни босмага тайёрлашда табиатшунослик ва ижтимоий-гуманитар фанлар нисбати, миллий ва умумбашарий материаллар нисбати тасдиқланган умумий йўриқнома талабларига таяниб иш кўрилди.

**А.АЛИЕВ**

***__Шарқ сўфизми тарихида, сўфийлар ҳаёти ва фаолиятида ажабтовур воқеалар, фавқулодда ҳодисалар, ногоҳоний таъсир натижасида янги бир ҳаёт тарзини бошлаш сингари ҳолатлар кўп учрайди. Машҳур Шайх Фузайл Аёзнинг ҳаёт йўли ҳам ана шундай кечган.__***

# ФУЗАЙЛ АЁЗ

Фузайл тахминан 728-731 йиллар орасида Марв шаҳрида туғилган. Унинг болалик ва йигитлик онлари Сарахс, Обеварда шаҳарларида ўтган. Абу Али Фузайл бинни Аёзнинг ёшликдаги устози, касб эгаллаш, ўқиш-ўрганиш жараёни ҳақида манбаларда аниқ далиллар мавжуд эмас.

Фузайл сўфизмда маломатия оқимининг тарафдори ва фаол тарғиботчиларидан эди. Бу таълимот Хуросоннинг Нишопур шаҳрида вужудга келган бўлиб, унинг пайдо бўлиши илк ислом тарихи билан боғлиқ. Унинг асосчилари Абуҳафс Нишопурий ҳамда Ҳамдуни Қассор Нишопурийлардир. Бу таълимот асосчилари «инсон ўз фазилат ва яхшиликларини пинҳон тутмоғи лозим. Уларни кўз-кўз қилиб юриш кишини худбинлик ва такобур сари етаклайди» деб тушунтиришган. Уларнинг ақидасича бандаларининг амали ва ўзгаларга қилаётган яхшиликларини Оллоҳ кўриб турибди, яна уни ошкор этиб юриш шарт эмас. Шунинг учун бу тоифа вакиллари ўзларини хоксор, камсуқум тутиб, кишилар бизни таъриф этмай, иложи борича айбимиз, хато ва гуноҳларимизни топиб «маломат» қилишга интилишсин, деган ақидада бўлишган. Фузайл бутун ҳаёти ва фаолияти давомида ана шу қоидага амал қилиб, уни кенг халқ оммаси орасига ёйишга интилган.

* * *

Ўзингга алоқаси бўлмаган нарса ҳақида бош қотирма.

* * *

Агар инсон ҳаммага яхшилик қилса-ю уйидаги товуғига бефарқ қараса, у ҳақиқий мусулмон эмас.

* * *

Бешта нарса бадбахтлик аломатидир. Улар: бағритошлик, кўзида ёш бўлмаслик, ҳаёсизлик, дунёга меҳр қўйиш, узун амаллиликдир.

* * *

Башир Ҳовфий айтибдур:
Кунлардан бир кун Фузайлдан сўрадим:
- Зуҳд яхшими, Ризо яхшими?
- Албатта, Ризо яхши. Зероки Ризода тамаъ бўлмайди. - Жавоб берди у.

* * *

Фузайл дебдур:
- Агар менга: «Сен бир дуо қилгин, ул мустажоб бўлгай» десалар албатта, Султонни дуо қиламан. Зероки уни дуо қилсам, у мустажоб бўлса, савоби бутун халққа тегади.

* * *

Туҳмат орага аралашдими, биродарликка рахна тушади.

### *Жума ўгитлари*

Зероки биродарлик руҳият мевасидир.

* * *

Танҳолик ва Ҳаққа муножот билан яшашдан яхши ҳаловат йўқ.

* * *

Фузайлдан сўрадилар:
- Асл дин нима?
Деди:
- Ақл!
- Ҳақиқий ақл нима?
Деди:
- Ҳилм!
- Ҳақиқий ҳилм нима?
- Сабр!

* * *

Фузайл дебдур: бу замона халқининг дўстлигини бозор таоми янглиғ топибдурманки, ранги, бўйи хушдур, аммо таъми нохушдур.

* * *

Оқил ва хирадманд киши бирла жанг қилмоқ ва уруш қилмоқдин беҳирад киши бирла ҳалво еган хўбдур. Чунончи тамсилда кетибдур, зийрак душмани нодон дўстдин хўброқдир.

* * *

Фузайл дебдур: Ҳар киши фосиқнинг юзига боқиб хушлаб кўрса, мусулмонлик иморатини вайрон қилмоққа саъй қилғон бўлур.

* * *

Фузайл дебдур: Ҳар киши биродарига тилида дўстлик изҳор қилса, кўнглида душманлиғи бўлса Худои азза ва жалла анга лаънат қилиб, кўнгли кўзини кўр қилур ва қулоғини эшитмас қилур.

* * *

Фузайл дебдур: халққа кўрсатмак учун амални дўст тутмоқ риёдур, яъни халқ кўрмаки учун амал қилмоқ ширкдур. Яъни намоз ўтамасам халқ мени айб қилур, деб намоз ўтамоқ ширкдур, яъни кофур бўлур.

* * *

Фузайл бир куни ўғлини кўрдиким, ашрафийни муҳтож кишига бермоқ учун сийпаб ўлтирибдур. Фузайл ани кўриб деди:
- Эй ўғил, санинг бу ишинг ўн ҳаж қилғондин ва ўн ош бергандин зиёдадур.

* * *

Фузайл дебдур: халойиқ бир-бирларидан ёмонлашиб айрилишибдурлар, ул такаллуфнинг нишонасидур. Қачонким такаллуф ародин йўқ бўлса, бир-бирларидин ёмон иш кўрунмас.

* * *

Фузайл дебдур: ўтганларни ёдламоқ фарздур. Гўристон олдидан ўтганда «Қул-фу оллоҳу аҳад»ни ўқиб, савобини анда ётганларга бахшида эт.

* * *

Фузайл дебдур: икки нимарса кишини фасодга элтур: бири тўла емоқ, бири тўла уйқуламоқ.

**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ**
**тайёрлаган**

***__Олтинсой туман халқ таълими бўлимига қарашли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига кириб борганимизда, БЎСМ директори Тўйчи Ҳасанов мураббийлар билан Узун туманида ўтказиладиган вилоят миқёсидаги мусобақага шогирдларини олиб бориш тўғрисида бош қотираётган экан.__***

### *Дўст ачитиб гапиради*

# КОПТОГИ ЙЎҚ СПОРТ МАКТАБИ

– Мактабимизда 6 та секция ишлаб турибди. 14 нафар мураббий 925 нафар болага волейбол, футбол, қўл тўпи, миллий ва белбоғли кураш бўйича машғулотлар олиб боряпти. Бироқ ўқувчиларимиз кўнгилдагидек шуғулланишлари, секциялар фаолиятини жонлантириш учун БЎСМда етарли шарт-шароит йўқ, – деди куюнчаклик билан спорт мактаби раҳбари. – Энг ачинарлиси, машғулотларни олиб бориш учун ўз базамизга эга эмасмиз...

– Умуман машғулотлар ўтказиляптими?– сўраймиз ундан.

– Ўтказиляпти. Фақат номигагина. Чунки машғулотларни ўтказишда умумтаълим мактабларининг унчалик ҳам қулайликларга эга бўлмаган зал ва ўйингоҳларидан фойдаланаяпмиз.

БЎСМ директорининг ушбу гапларини мураббийлар ҳам тасдиқлашди.

Шерзод Элмуродов, кураш секцияси мураббийси:

– Кураш секциясида 82 нафар бола шуғулланади. Асосан 1-ўрта мактаб спорт залида. Шогирдларимда спорт формаси йўқ. Кураш гиламлари эса 1986 йил келтирилган, ҳозирда яроқсиз ҳолга келиб қолган. Билсангиз, машғулотларда чиниққан спортчи мусобақаларда маҳоратини сайқаллайди, тажрибасини оширади. Биз учун мусобақаларда айниқса, вилоят ва республика миқёсидаги беллашувларда қатнашиш катта муаммога айланган. Деярли барча мусобақаларга тарбияланувчиларимизни ўз ҳисобимиздан пул сарфлаб олиб борамиз. Яна бир оғриқли нуқтамиз шуки, туманимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган бўлсак-да, маошларимизни ўз вақтида ололмаяпмиз.

Шерали Бўтаёров, волейбол секцияси мураббийси:

– Волейбол машғулотларини 1- ва 9- мактабларнинг спорт иншоотларида олиб борамиз. Маблағ йўқлигини рўкач қилиб, 12 йилдан бери биронта ҳам спорт жиҳози берилмаган. Онда-сонда ўз маблағимиз ёки ота-оналар ёрдамида волейбол тўри, коптоклар сотиб оляпмиз. Яна бир гап. Бу йил мураббийлар ва ўқувчиларимиз кучи билан 1-мактаб спорт залини амаллатақал қилиб таъмирладик.

Директор ва мураббийларнинг куюнганчалари бор экан. Масалан, белбоғли кураш бўйича машғулотлар 55-ўрта мактаб биносида олиб борилади. Бу бино кутубхона учун мўлжаллаб қурилгани боис ёш полвонлар машғулотлар ўтказиши учун деярли ҳеч қандай шароит йўқ. Биргина мисол. Кураш гилами ўрнига ёғоч қириндиларидан тўшама ўрнида фойдаланилмоқда. Хўш, бундай шароитда биронбир шуғулланувчининг машғулотлар пайтида жароҳат олмаслигига ким кафолат беради? Шунинг учун ҳам белбоғли кураш секцияси машғулотлари номигагина олиб борилмоқда. Ёки футбол, қўл тўпи секцияларида ҳам оддий спорт анжоми – коптоклар билан таъминланиш катта муаммо бўлиб турган бир пайтда БЎСМдан чемпионлар етилиб чиқишини кутиш, ўринлимикин?.

Дарвоқе, туман халқ таълими бўлими мудири ўринбосари К.Худойбердиевнинг таъкидлашича, аҳволни яхшилаш, хусусан, спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминлаш борасида яқин орада ижобий ўзгариш амалга ошиши амримаҳол. Хўш, вилоят халқ таълими бошқармаси ва туман ҳокимлигидаги мутасаддилар бунга нима деркин?..

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири**

## АНСАМБЛНИНГ ЧЕТ ЭЛ САФАРИ

Пойтахтимиздаги «Ибн Сино» номли маданият марказида фаолият кўрсатаётган «Умид» халқ фольклор-рақс ансамбли ўз ижрочилик маҳорати билан республикамизда яхши танилиб қолди. Бундай қизиқарли концертлар эндиликда чет элларда ҳам муваффақиятли намойиш қилинмоқда.

Ҳинд диёрида ўтказилган ижодкор ёшлар ҳафталиги ҳам «Умид»чилар учун навбатдаги ижодий кўрик бўлди. Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида ташкил этилган бу санъат кунларида истеъдод эгалари қатор томошалар кўрсатишди. Махсус санъат мактабларида берилган концертлар ҳам кўпчиликни мамнун этди.

Жавоҳарлал Неру номидаги Деҳли университетида уюштирилган ёш ижодкорлар конференциясида ҳам ансамбл янги тайёрлаган тароналари билан қатнашди.

Ушбу ижодий сафардан ансамбл янги дўстлар орттириб қайтди.

### *Хабарлар оқимидан*

## ЭКОЛОГИК ЭКСПЕДИЦИЯ

«Биоэкосан» республика ёшлар ўқув-услубий мажмуаси ўқувчиларда экологик таълим кўникмаларини ўстиришга қаратилган қатор ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. «Чотқол тоғ-биосфера қўриқхонасига экологик саёҳат» деган шиор остида ўтказиладиган кўрик-танлов ҳам қатор муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

Ушбу билим ва амалий кўникма синовида умумтаълим мактаб ўқувчилари қатнашиб, ўз истеъдодларини намойиш қиладилар. «Чотқол қўриқхонасидаги ҳайвон ва ўсимликлар тўғрисида маълумот», «Ҳозирги кунда камайиб бораётган ҳайвон ва ўсимликларни муҳофаза қилиш» деган мавзуларда ёзиладиган рефератлар ҳам ўзига хос изланиш натижаси бўлади.

Жонзотларни сақлаб қолишга оид таклифлар ҳам умумлаштирилади.

**Д.ҚАМАРИДДИНОВА**

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Мевазор» маҳалла аҳли табаррук инсон, меҳнат фахрийси Мираббос ота Мирсаидовга умр йўлдоши **ҲУРИХОН ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Риҳсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.45

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Тиражи: 16696 Буюртма Г— 517

23456